
ФАРҒОНАДАГИ “ИСТИҚЛОЛ” ЎЙИНҒОҲИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОС СПОРТ АРЕНАСИГА АЙЛАНМОҚДА

Фарғона шахрининг асосий спорт мажмуаси бўлган “Истиқлол” ўйингоҳида 2022 йилнинг январь ойидан буён таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Майдонни янгилаш мақсадида хориждан 4 фаслга мослашган 2 хил турдаги “Turfline E ” ҳамда “Genta” майса уруғлари олиб келиб экилиб, парваришлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Асосий футбол майдони остида жойлашган дренаж тизими тўлиқ янгиланди, футбол майдонини суғориш учун Европа стандартларига мос келадиган автоматлаштирилган қурилмалар ўрнатилди.

Чимни парваришлаш учун хориждан янги замонавий махсус техника воситалари олиб келинди. Футбол майдонини ёриткичларига ҳам AFC (Осиё Футбол Конфедерацияси) талабларига мос келадиган 1800 люкс қувватига эга лампалар ўрнатилмоқда.

Шунингдек, футбол майдони атрофида жойлашган югуриш йўлакчалари ҳам қайта таъмирланмоқда. Умумий биноларни ҳам таъмирлаш кўзда тутилган.

20.000 томошабин сиғимига эга стадионда 2022 йилги Суперлига баҳсларининг иккинчи давраси ўйинлари ўтказилиши режалаштирилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-13 18:31:33